

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил декабрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Эргашевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, жабрланувчи Ғ.Абдулхамидов, судланувчи А.Тиллаев ва унинг ҳимоячилари-адвокатлар И.Мирзаалиев ва Н.Юлдашев, О.Марахимов, Н.Хусанбоев, Ш.Холдаров, А.Носировнинг иштирокида, Тиллаев Ахрорхон Махмудхон ўғли, Марахимов Олимхон Асрорхонович, Хусанбоев Нурулло Шухратжон ўғли, Холдаров Шерзод Абдижаборович, Носиров Абдумалик Набижон ўғлига оид 1-1606-2201/345-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Тиллаев Ахрорхон Махмудхон ўғли, 2000 йил 13 сентябрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, судланмаган, ишсиз, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, “Бобур” МФЙ, М.Турғунбоева кўчаси, 115-уйда яшайди, 2023 йил 18 сентябрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2023 йил 19 сентябрда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 30 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан айбланган.

Марахимов Олимхон Асрорхонович, 1994 йил 27 августда Марғилон шаҳрида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишсиз, Поп тумани, “Гулистон” МФЙ, Майдон кўчаси, 30-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 30 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Хусанбоев Нурулло Шухратжон ўғли, 2000 йил 21 декабрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишсиз, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, “Галатой” МФЙ, Кунчилар кўчаси, 14-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 30 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан айбланган.



Холдаров Шерзод Абдижаборович, 1985 йил
16 июнда Поп туманида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти ўрта, оилали,
1 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишсиз, Поп тумани,
“Гулистон” МФЙ, Пойин кўчаси, 47-уйда яшайди, муносиб хулқ-
атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 30 сентябрда олган.
Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в”
бандлари билан айбланган.

Носиров Абдумалик Набижон ўғли, 2001 йил
5 июлда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон
фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, судланмаган, ишсиз,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, “Галатой” МФЙ, Карвонсарой
кўчаси, 25-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги
тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, 2023 йил 30 сентябрда олган.
Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди
билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчилар, жабрланувчи ва
гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши
ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга
баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи А.Тиллаев 2023 йил 16 июль куни соат 13:00 ларда ўртоқлари А.Носиров ва Н.Хусанбоев билан А.Носировни отаси Н.Усмановнинг бошқарувидаги “Кобалт” русумли, 40А 954СВ давлат рақамли автомашинасида Чодак қишлоғига келиб, дам олиш учун жой топа олмаганлиги сабабли қайтиб кетиш мақсадида соат 18:00 ларда Поп тумани, “Гулистон” МФЙ ҳудудидаги ички автомобиль йўлида “Поп” йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётган вақтида бир йўналишда ўзидан орқада ҳаракатланиб келган “Урал” русумли мотоцикл ҳайдовчиси Ш.Холдорев ва йўловчи О.Марахимов билан йўл таллашиб, жанжаллашиб қолиб, Н.Хусанбоев, А.Носиров, Ш.Холдаров, О.Марахимов жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан бир-бирлари билан жанжаллашиб, Н.Хусанбоев, Ш.Холдаров совуқ қурол ҳисобланган ошхона пичоғини намоиш қилиб, уриб енгил тан жароҳати етказган вақтида, А.Тиллаев жанжалга қўшилган Ғ.Абдулхамидовни ҳодиса жойида бўлган тош бўлағи билан боши ва юз соҳасига уриб, оғир тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМ Наманган вилояти филиали Поп туман бўлимнинг 2023 йил 19 августдаги хулосасида, Ғ.Абдулхамидовнинг жароҳатлари - бош мия ёпиқ шикасти, бош мияни ўрта оғир даражали лат ейиши, калла асосини синиши, бош мия ўнг ярим шари чакка бўлағи чегараланган ўткир эпидурал гематомаси, бурун суягини силжиб синиши, бош ўнг пешона соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши, эзилиб йиртилган жароҳати, бурун, ўнг кўз атрофи ва ўнг ёноқ соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши, риногеморея чегараланган юзали ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келган бўлиб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

РСТЭИАМ Наманган вилояти филиали Поп туман бўлимнинг 2023 йил 1 августдаги хулосасида, Н.Хусанбоевнинг жароҳатлари - иккала билак соҳасидаги шилинмалар чегараланган юзали ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келган бўлиб, соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

РСТЭИАМ Наманган вилояти филиали Поп туман бўлимнинг 2023 йил 1 августдаги хулосасида, А.Носировнинг жароҳатлари - ўнг томон кўкрак қафасидаги шилинма чегараланган юзали ўтмас қаттиқ жисм таъсирида юзага келган бўлиб, соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.



“SHERDOR EXPERT” МЧЖнинг 2023 йил 3 августдаги 08/2-Т-сонли баҳолаш хулосасида, Н.Усмоновга тегишли “COBALT GX” русумли, 40А 954СВ давлат рақам белгили автомашинасига 693.000 сўм моддий зарар етказган кўрсатилган.

Судланувчи А.Тиллаев суд мажлисида, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2023 йил 16 июль куни А.Носиров, М.Болтабоев, Н.Хусанбоев, Х.Собиров ва А.Холматов билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиб келиш учун А.Носиров ва М.Болтабоев билан А.Носировнинг отасига тегишли “Кобалт” русумли автомашинада, Н.Хусанбоев, Х.Собиров ва А.Холматов йўловчи автомашинада йўлга чиқишгани, Поп тумани, Чодак қишлоғига соат 17:00 ларда етиб келиб, пастроқда жой топилмаганлиги сабабли қишлоқнинг тепа томонига чиқиб боришгани, у ердан ҳам жой топа олмасдан 18:30 ларда уйга қайтмоқчи бўлиб ортга қайтаётганда, олдинда кетаётган ўртоқлари Х.Собиров, Н.Хусанбоев ва А.Холматов Чодак қишлоғида яшовчи 3 нафар мотоцикл миниб олган шахслар билан йўл таллашиб қолишгани, уларни ажратмоқчи бўлишганида, Чодаклик йигитлар улар билан ҳам тортишиб кетиб, уларни қўллари билан уриб ташлашгани, уларга жавоб қайтариб, қўллари билан уриб юборишгани, сўнг ажралиб кетаётган вақтида Чодак қишлоғи ичидаги катта йўл бўйида улар “Урал” мотоцикл миниб олган йигитлар чиқиб, автомашинани тўхтатмоқчи бўлишгани, улар қўлига ёғоч ва тош бўлақларини олиб уларни тўхтатишгани, улардан бири А.Носировни отасини автомашинадан тушириб олгани, шу орада улардан бири тош билан орқа тоз соҳасига уриб юборгани, у эса ўша тошни қўлига ушлаб олгани ва Ғ.Абдулхамидов ўртоғи А.Носировни уриб турганини кўриб, югуриб бориб, қўлидаги тош билан унинг бош соҳасига бир марта уриб юборгани, сўнг ҳамма бир-бирини қувлашни бошлагани, улар қувлаб келаётган жойда А.Носировнинг отаси автомашинасида келиб тўхтаганида дарҳол автомашинага чиқиб, қочиб кетишгани, ўша кунги жанжал йўл таллашиш оқибатида келиб чиққани, Ғ.Абдулхамидовни тош билан бир марта ургани, бошқа ҳеч кимни урмагани, жанжал вақтида Ғ.Абдулхамидовни уриш нияти ҳам бўлмагани, бироқ жаҳл устида уриб юборгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, энгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Хусанбоев суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, 2023 йил 16 июль куни ўртоқлари билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиш учун келиб, жой топа олмасдан қайтишаётганда қарама-қарши йўналишда “Урал” мотоцикли миниб олган 2 киши йўлни қисиб қўйишгани важи билан сўкиниб



кетгани, улардан узр сўраб, юрмоқчи бўлишганида автомашинани олдига мотоциклни ҳайдаб тўсгани, автомашинадан тушиб, улар билан гап тортишиб, уришиб кетишгани, шу орада орқада келаётган ўртоқлари ҳам ажратмоқчи бўлишгани, сўнг ҳамма тарқалиб, автомашиналарга чиқишгани, “Кобалт” русумли автомашинада кетишаётган вақтда Чодак қишлоғи ичидаги катта йўл бўйида уларни “Урал” мотоцикл миниб олган шахслар автомашинани тўхтатмоқчи бўлишгани, юрмоқчи бўлишганида улар кўлига ёғоч ва тош бўлақларини олиб, автомашинани тўхтатишгани, сўнг улардан бири келиб А.Носировни отасини автомашинадан тушириб олгани, шунда жанжал бошланиб кетгани, ҳамма бир-бирини уриб кетиб, бир-бирини қувлашни бошлагани, қувлаб келаётган жойда ўртоғи А.Носировнинг отаси автомашинасида уларни олдига келиб тўхтаганида дарҳол автомашинага чиқиб, у ердан қочиб кетишгани, жанжал йўл талашини оқибатида келиб чиққани, жанжалда кейин танигани О.Марахимов ва Ш.Холдаров уларни уриб ташлагани, уларга жавобан у ва ўртоқлари А.Тиллаев ҳамда А.Носиров уларни уришгани, жанжал пайтида у О.Марахимовни бўйнидан бўғиб олгани, Ш.Холдаров кўлидаги ёғоч билан уриб ташлагани, бўйнига ҳам бир марта ургани, “Кобалт” русумли автомашинани О.Марахимов ва Ш.Холдаров уриб шикастлагани, Ғ.Абдулхамидов жанжалга келиб қўшилиб, А.Носиров билан бўғишиб кетгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Ш.Холдаров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 16 июль куни соат 15:30 ларда ҳамқишлоғи О.Марахимов билан Поп тумани, “Гулистон” маҳалласи ҳудудининг тепа томонига “Урал” мотоциклда айланишга чиқиб боришгани, соат 18:00 ларда тепадан пастга тушиб кетаётганида бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган “Кобалт” русумли автомашина ҳам пастга тушиб келаётганини кўргани, унинг ортидан сигнал бериб, четроққа ўтишини айтгани, у йўл бермасдан, ҳаракатни давом эттиравергани, сўнг йўлни кенгроқ қисмига етиб келиб, нима сабабдан йўл бермаётганини сўрагани, бу ҳолатга шериги О.Марахимов ҳам қўшилиб, улар билан гап талашиб, уришиб кетишгани, улардан бири О.Марахимовни уриб юборгани, йўлда тўхтатиб, гаплашиб олишни айтгани, “Кобалт” автомашинада бўлган йигитлар билан йўл бўйида кўришиб, уларга нима сабабдан уриб юборганини айтишганида, автомашинани йўл ўртасида тўхтатишиб, Н.Хусанбоев футболкасини ечиб, кўлига пичоқ кўтариб, жанжал қилмоқчи бўлгани, сўнг у ерда яна



уришиб кетишгани, қўлида пичоқ борлигини кўриб, ўша ерда йўл четида турган ёғочни олиб, Н.Хусанбоевнинг қўлига бир марта қаттиқ уриб юборгани, ушбу жанжалга Ғ.Абдулхамидов келиб қўшилгани ва уларни ажратмоқчи бўлганида А.Тиллаев Ғ.Абдулхамидовнинг бошига тош билан уриб, ерга ётқизиб қўйгани, содир этган қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи О.Марахимов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 16 июль куни марғилонлик йигитлар билан йўл талашиб, жанжаллашиб қолишгани, Ш.Холдаров мотоциклдан тушиб, йўл ўртасида 5-6 нафар марғилонлик йигитлар билан оғзаки гап талашгани, уларни ажратиб қўймоқчи бўлганида, улардан бири уни уриб юборгани, жаҳли чиқиб, оёғи билан ўша болани бир-икки марта уриб юборгани, ўша ердан ўтиб кетаётган бир нечта аёллар ажратиб юборишгани, сўнг Ш.Холдаров билан мотоциклда “Кобалт” автомашинанинг орқасидан ҳаракатлана бошлагани, сўнг пастроқда йўл бўйида кўришиб, уларга нима сабабдан уриб юборганини айтганида, улар автомашинани йўл ўртасида тўхтатишиб, йигитлардан бири футболкасини ечиб, қўлига пичоқ кўтариб олиб, жанжал қилмоқчи бўлгани, сўнг яна уришиб кетишгани, улардан бири ўнг юз соҳасига уриб юборгани, шу орада Ш.Холдаров келиб, ёнидаги болани қўлида пичоқ борлигини кўриб, ўша ерда йўл четида турган ёғочни олиб, пичоқ кўтариб олган йигитни қўлига бир марта қаттиқ уриб юборгани, жанжалга қариндоши Ғ.Абдулхамидов қўшилгани ва уларни ажратмоқчи бўлгани, шу вақтда бирдан Ғ.Абдулхамидовнинг боши қонаб турганини кўргани, уни айнан ким урганини кўзи билан кўрмагани, жанжалда А.Носиров унинг юз соҳасига қўли билан ургани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи А.Носиров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 16 июль куни ўртоқлари А.Носиров, М.Болтабоев, А.Тиллаев, Х.Собиров ва А.Холматов билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиш учун келишиб, жой топилмагани сабабли соат 18:30 ларда ортга қайтишгани, улардан олдинда кетаётган ўртоқлари Х.Собиров, А.Холматов чодаклик 3 нафар мотоцикл миниб олган йигитлар билан йўл талашиб қолиб, жанжаллашиб турганини кўриб, уларни олдида тўхтаб, ажратмоқчи бўлиб, ўзаро бир-бирларини уриб юборишгани, шу орада О.Марахимов уни қўли билан уриб юборгани, жаҳли чиқиб, уни ҳам қўли билан ургани, сўнг ҳамма тарқалгани, Чодак қишлоғи ичидаги катта йўл бўйида яна улар



билан жанжаллашиб кетишгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ғ.Абдулхамидов суд мажлисида, 2023 йил 16 июль куни соат 18:00 ларда яшаш хонадонида онаси билан бирга ўтирган вақтида, қариндоши О.Марахимов кўнғироқ қилиб, яшаш хонадонининг тепа томонидаги катта йўл бўйида бир неча фуқаролар билан уришиб кетгани, ўша болалар уни уриб ташлаётгани, кўчани бошига чиқишини айтгани, кўчани бошига чиққанида “Кобалт” русумли автомашинада келган бир неча фуқаролар, қариндоши О.Марахимов ва Ш.Холдаров турганини кўргани, шу орада “Кобалт” автомашина ҳайдовчиси автомашинадан тушиб, Ш.Холдаров билан гап таллашиб қолгани ва урмоқчи бўлгани, бу орада автомашинадан 2 киши тушиб келиб, О.Марахимов билан уришиб кетгани, унга ёрдам бериш мақсадида бир йигитнинг орқа томон бел қисмидан қўллари билан қаттиқ ушлаб олгани, у типирчилаб, қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлгани, кейин оёғи тойиб, ерга йиқилгани, шу орада у ушлаб турган йигит устига йиқилиб тушгани, О.Марахимовни қўли гипс бўлгани сабабли қаршилик қила олмасдан, қочишни бошлагани, у эса қўли билан ушлаб олган болани қўйиб юбормагани, шунда бирдан кимдир келиб, тош билан ўнг юз соҳасига бир марта қаттиқ уриб юборгани, зарбдан кейин қўл ва оёқлари бўшашиб кетгани, уни танасини бошқа жойларига ҳам оёқлари билан тегиб ташлашгани, шу орада юзидан қон оқишни бошлагани, холсизликдан йўлни четига ўтириб олгани, бу орада қолганлар бир-бирлари билан урушиб кетишгани, сўнг уни шифохонага олиб кетишгани, кейинчалик уни А.Тиллаев урганини билгани, етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Болтабоев суд мажлисида, 2023 йил 16 июль куни ўртоқлари А.Носиров, А.Тиллаев, Х.Собиров ва А.Холматов билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиш учун келишгани, жой топа олмасдан соат 18:30 ларда ортга қайтишгани, йўлда ўртоқлари чодаклик йигитлар билан ўзаро жанжаллашиб кетишгани, А.Тиллаев жабрланувчи Ғ.Абдулхамидовни тош билан урганини кўрмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Собиров суд мажлисида, 2023 йил 16 июль куни ўртоқлари А.Носиров, М.Болтабоев, А.Тиллаев, Х.Собиров ва А.Холматов билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиш учун келишгани, жой топилмагани сабабли соат 18:30 ларда ортга қайтишгани, шу орада ўртоқлари билан чодаклик йигитлар йўл таллашиб, жанжаллашиб кетишгани, А.Тиллаев жабрланувчи



Ғ.Абдулхамидовни тош билан урганини кўрмаганини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Усмонов суд мажлисида, 2023 йил 16 июль куни ўғли А.Носиров ва унинг ўртоқлари М.Болтабоев, А.Тиллаев, Х.Собиров ва А.Холматов билан Поп тумани, Чодак қишлоғида дам олиш учун келишгани, у ердан жой топа олмасдан ортга қайтишгани, шу орада олдинда кетаётган автомашинанинг олдига “Урал” мотоцикли миниб олган икки йигит келиб, йўл масаласида тортишиб кетишгани, ўғли А.Носировга ажратиб юборишини айтгани, ўғли бориб, уларни ажратмоқчи бўлганида қўли гипсланган бола ўғлининг юзига қўли билан уриб юборгани, уларни ажратиб қўйиш мақсадида олдига борганида қўли гипсланган бола ўғлини онасидан келиб, ҳақорат қилгани, у ердан кетишаётганда ярим йўлда “Урал” мотоциклда улар билан жанжаллашган болалар турган бўлгани, ўғли ва унинг ўртоқлари автомашинадан тушишгани, икки ўртада жанжал бошланиб кетгани, бу орада ўғлининг ўртоғи А.Тиллаев Н.Хусанбоевни ёғоч кўтариб олган йигит ураётганини кўриб, унинг олдига югуриб бориб, қўлидаги тош билан бош қисмига уриб, ерга ётқизиб қўйгани, шундан сўнг автомашинага ўтириб, у ердан кетиб юборишгани, автомашинасига етказилган зарар юзасидан ҳеч кимга даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, судланувчилар А.Тиллаев, Н.Хусанбоев, Ш.Холдаров, О.Марахимов, А.Носировнинг айблари уларнинг кўрсатувларидан ташқари ариза, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари, экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи А.Тиллаевнинг безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказганликдан иборат ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан;

судланувчилар Н.Хусанбоев ва Ш.Холдаровнинг бир гуруҳ бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни намоёйиш қилиб, уни қўллаб, баданга енгил шикаст етказганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон



қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни



очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Тиллаевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам муддатдан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

судланувчи Н.Хусанбоевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

судланувчи Ш.Холдаровга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

судланувчи О.Марахимовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

судланувчи А.Носировга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тиллаев Ахрорхон Махмудхон ўғли Ўзбекистон Республикаси

ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Тиллаев Ахрорхон Махмудхон ўғлига Ўзбекистон Республикаси

ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “е” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 18 сентябрь кунидан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

А.Тиллаевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Хусанбоев Нурулло Шухратжон ўғли Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хусанбоев Нурулло Шухратжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 1 йил муддатга сутканинг соат 22:00 дан соат 6:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Хусанбоев Нурулло Шухратжон ўғлига озодликни чеклаш жазосини яшаш хонадони-Марғилон шаҳар, “Галатой” МФЙ, Кунчилар кўчаси,

14-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Марғилон шаҳар ИИО ФМБнинг розилигиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Марғилон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Н.Хусанбоев Марғилон шаҳар ИИО ФМБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Н.Хусанбоевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Холдаров Шерзод Абдижаборович Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Холдаров Шерзод Абдижаборовичга Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 1 йил муддатга сутканинг соат 22:00 дан соат 6:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Холдаров Шерзод Абдижаборовичга озодликни чеклаш жазосини яшаш хонадони-Поп тумани, “Гулистон” МФЙ, Пойин кўчаси, 47-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Поп туман ИИБнинг розилигиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Поп туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Ш.Холдаров Поп туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Холдаровга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Марахимов Олимхон Асрорхонович Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Марахимов Олимхон Асрорхоновичга Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 йил муддатга сутканинг

соат 22:00 дан соат 6:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Марахимов Олимхон Асрорхоновичга озодликни чеклаш жазосини яшаш хонадони-Поп тумани, “Гулистон” МФЙ, Майдон кўчаси, 30-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Поп туман ИИБнинг розилигиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Поп туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.



Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати О.Марахимов Поп туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

О.Марахимовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Носиров Абдумалик Набижон ўғли Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Носиров Абдумалик Набижон ўғлига Ўзбекистон Республикаси

ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 йил муддатга сутканинг соат

22:00 дан соат 6:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Носиров Абдумалик Набижон ўғлига озодликни чеклаш жазосини яшаш хонадони-Марғилон шаҳар, “Галатой” МФЙ, Карвонсарой кўчаси,

25-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қўйидаги тақик (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

-Марғилон шаҳар ИИО ФМБнинг розилигиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Марғилон шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати А.Носиров Марғилон шаҳар ИИО ФМБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Носировга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан

йигирма сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо)
А.Кенжабаев

“Аслига тўғри”

Туман судининг судьяси

А.Кенжабаев



Маъсул судья: Кенжабаев Акмал Ахматжанович



Хужжат имзоланган: Кенжабаев Акмал Ахматжанович, 09.02.2023

